

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 60 (10.113)

2004 ЙИЛ 30 МАРТ

## ЎВУЗ КУЧЛАР ХАЛҚИМИЗНИ ЎЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛИДАН ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

**Маълумки, 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Бу воқеалар натижасида бир неча ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда тинч аҳоли вакиллари қурбон бўлди ва турли даражада тан жароҳати олди.**

**Бу жиноий ишларга алоқадорликда гумон қилинаётган бир неча шахслар қўлга олиниб, ҳозирги вақтда тергов ишлари олиб борилмоқда.**

**Шу воқеалар муносабати билан Президент Ислон Каримов Ўзбекистон телевидениеси учун махсус интервью берди.**

Авваламбор, рўй берган мудҳиш воқеаларда бегуноҳ қурбон бўлганларга, ҳалок бўлган миллияда ходимларнинг оила аъзолари, қариндошлари ва яқинларига чуқур таъзиямни изҳор этиб, ярадор бўлганларга ўз ҳамдардчилигини билдирмоқчиман, деди давлатимиз раҳбари.

Президент ушбу воқеалар, улардан чиқадиган ҳулоса ва сабоқлар ҳақида тўхталар экан, куйидаги ҳолатларни алоҳида таъкидлади.

Дастлабки ҳулоса шуки, бундай ёвуз хатти-ҳаракатлар мамлакатимиз мустақиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти, эришяётган ютуқларимизни кўролмайдиган қора, қабиҳ ниятли кучлар томонидан амалга оширилгани аён бўлмоқда.

Бундан кўзланган мақсад — эл-юртимизнинг тинчлигини бузиш, вазиятни бекардорлаштириш, одамларнинг юрагига гулгула, ваҳима солиш, бугун Ўзбекистонда олиб борилаётган сиваситимизга бўлган ишонччи йўқотиш, эзгу ният ва амалий ишларимизга тўсиқ бўлишдан иборатдир.

Бу масала бўйича тергов олиб бораётган ваколатли органлар томонидан бугуннинг ўзида тўпланган ашёвий далиллар, шу жумладан, қурол-яроғ, портловчи моддалар, экстремистик руҳдаги диний адабиётлар, тинч аҳолига талафот етказишга мўлжалланган воситаларнинг мавжудлиги амалга оширилган бу террорчилик хуружларга бир неча ой давомида ҳар томонлама чуқур тайёргарлик кўрилгани, бунинг ортида катта маблағ ва имкониятларга эга бўлган экстремистик марказлар турганини кўрсатмоқда, деди Президент.

Аслида бу террорчилик хуружларини қабиҳ кучлар Наврўз кунлари, одамлар майдон ва хиёбонларга тўпланиб, байрам қилаётган жойларда амалга оширишни мўлжаллаган эди. Бизнинг байрамни ўтказишда хавфсизлигини таъминлаш масаласига катта эътибор қаратганимиз уларнинг разил режаларини барбод қилгани маълум бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу воқеаларнинг бундан беш йил олдин, 1999 йил февраль ойда Тошкент шаҳрида содир этилган портлашлар билан боғлиқлигини, уларнинг услуби ўхшашлигини ҳам пайқаш қийин эмас.

Яна бир кўзга ташланадиган жиҳат - террорчилар бу жиноятларни асосан одамлар гажум жойларда, бозорлар, савдо дўконлари, транспорт бекатлари атрофларида амалга оширишга уринишган.

Содир этилган жиноятларнинг яна бир хусусияти - ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиб, бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиш ва талафот етказиш ҳолатлари бизнинг шароитимизда илгари рўй бермаган эди.

Буни баъзи хорижий мамлакатларда бугунги кунда учраётган кўпорувчилик ҳаракатларининг нусхаси ва кўриниши деб баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда рўй берган мазкур воқеалар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура раҳ-

барларидан иборат таркибда махсус ҳуқуқат комиссияси тузилди.

Вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимлар раҳбарлигида ана шундай комиссиялар тузилиб, тезкор амалий ҳаракатлар бошланди ва бу ишлар ўз натижаларини бермоқда. Давлатимиз раҳбари, мана шундай маъсул ятти бир шароитда ўз юртининг тинчлигини, аёлларимиз ва болаларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётини сақлашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган ҳар қайси юртдошимиз, ҳар қайси фуқаро бу ишга ўз ҳиссасини қўшади, деб ишонч билдирди.

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этмоқда. Маҳаллаларда, тураржойларда ўз уйимизни ўзимиз асраш бўйича барча чораларни кўришимиз, беарволик, лоқайдлик кайфиятларига йўл қўймаслигимиз, дўсту душманни яхши таниб олишимиз керак.

Мана шундай мураккаб вазиятда мен кўпни кўрган, машаққатли синовларда ўзининг мардлиги ва матонатини намоян этган, эл-юрт учун ўзини ямаасдан ҳизмат қилаётган маҳалла жамоатчилигига, барча маҳалла оқсоқоллари ва фаолларига, менинг болаларим, фарзандларим бўлган маҳалла посбонларига алоҳида мурожаат қилмоқчиман, деди Ислон Каримов. Ишонаманки, сизлар бундай гаразли хуружларга қарши ўз қатъий фаолиятингиз, жонқурлигингиз билан халқимизни бирлаштиришга, бир мушт бўлиб ёвуз кучларга қарши зарба беришга қодир эканлигини бу сафар ҳам амалда кўрсатасизлар.

Ҳеч қандай шубҳа йўқки, қабиҳ ният билан юрган кимсалар ҳар қанча уринмасин, улар юртимиздаги тинчлик ва осойишталикка раҳна соломмайди, халқимизнинг иродасини буколмайдди, бизни ўз танлаб олган йўлимиздан қайтаролмайди.

Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бешидан кечирган ва уларни мардонан енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бундай жирканч, ёвуз бало-қазоларни таг-томири билан юлиб ташлашимиз, бизга ато этилган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур.

Мен мана шундай вазиятда 1999 йили Олий Мажлис минбарига туриб айтган гапларимни яна такрорламоқчиман. Биз манфур террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз, уларни маблағ билан таъминлаётган манбаларни, одамларни дин ниқоби остида қалғитиб, мудҳиш жиноятларга йўллайётган куч ва марказларни албатта аниқлаймиз. Ўз халқига, ўз ватанига қўл кўтарган, бегуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз, деди пировардида Президент Ислон Каримов. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам албатта етади.

ЎЗА

**2004 йил 29 мартга ўтар кечаси ва шу кун эрталаб Тошкент шаҳрида бир қатор террористик ҳаракатлар содир этилди. Жумладан, Чорсу бозори ҳудудидаги «Болалар дунёси» магазинига кираверишда амалга оширилган портлаш натижасида икки киши ҳалок бўлди. Улардан бири мазкур магазиннинг қоровули, иккинчисининг шахси аниқланмоқда. Етти киши турли даражада тан жароҳати олди.**

## РАСМИЙ АХБОРОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, бу фожиага қўлда ясалган портлатиш мосламасининг номаълум шахс томонидан ҳаракатга келтирилгани сабаб бўлган.

Шу кун соат 9 дан 24 минут ўтганда «Кўқалдош» мадрасаси ёнида террорчининг белига болган қўлда ясалган яна бир портлатиш мосламаси ҳаракатга келтирилди. Ушбу жиноятни содир этган террорчининг шахси аниқланмоқда.

Мазкур портлашлардан аввал куйидаги воқеалар содир бўлган эди. 28 март кечқурун ва 29 март тонгида қуролланган жиноятчилар хизмат вазибаларини бажараётган милиция ходимлари ва патрул постларига ҳужум қилди. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати ёнидаги «Кушбеги» кўчасида милиция ходимлари хатти-ҳаракатлари шубҳали кўринган уч номаълум шахсни тўхташиб, ҳужжатларини текширмоқчи бўлганларида, улар милиционерларга қарата қуроллардан ўқ узишган. Натижада катта лейтенант М.Турғунов воқеа жойида ҳалок бўлган, капитан М.Қолдибоев эса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган.

29 март кун эрталаб соат 5 да Тошкент трактор заводи яқинидаги чорраҳада қуролланган учта жиноятчини қўлга олиш пайтида икки милиция ходими ҳалок бўлди.

28 март кун кеч соат 22.00 га яқин Бухоро вилоятининг Ромитан тумани «Қахрамон» қишлоғида яшовчи нафақахўр Неъмат Раззоқовнинг уйида юз берган портлаш натижасида тўққиз киши ҳалок бўлди. Дастлабки тергов маълумотларига кўра, бу уйдан террористик ақтарни содир этиш мақсадида селитра ва алюминий кукуни аралашмасидан тайёрланган портловчи мосламалар топилган.

Тергов гуруҳлари Тошкент шаҳри ва Ромитан туманида содир этилган портлашларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқламоқда.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террористик ақтар тайёргарлиги ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилганлигидан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятдан топилган кўплаб

микдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни, детонаторлар буни исботлаб турибди. Жумладан, Тўйтепа шаҳрида яшовчи Фурқат Юсупов 10 дона портлатиш мосламасини Тошкентга олиб келаётганида қўлга олинган.

Бу ва бошқа далиллар энг аввало Тошкент ва унинг атрофида содир этишга мўлжалланган террористик ҳаракатларга одамлар юрагига қўрқув ва ваҳима солиш, уларнинг ҳаётига хуруж қилишни мақсад қилиб олган тажрибали жангарилар томонидан жиддий ва узок муддат давомида тайёргарлик кўрилгандан далолат беради.

Террорчи гуруҳларнинг ёвуз ва узокни қўзлаб амалга оширган шу ва бошқа шунга ўхшаш жиноий ҳаракатларини тергов қилиш ва олдини олиш мақсадида:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигида махсус ҳуқуқат комиссияси ташкил этилди. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари киритилди;

- Барча вилоятларда вилоят ҳокимлари бошчилигида ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар раҳбарлари ва терроризмга қарши кураш бўйича етакчи мутахассислардан иборат комиссиялар тузилди;

- Мамлакат ҳудудида террористик ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилди ва кўрилмоқда. Бу йўналишда маҳалла кўмиталари ва жамоат ташкилотлари билан тегишли ишлар олиб берилмоқда;

- Ташкил этилган комплекс гуруҳлар тергов ишларини бошлаб юбордилар. Террористик хуружлар ва уларнинг манбаларига қарши курашни мувофиқлаштириш мақсадида қўшни мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари билан алоқалар ўрнатилди.

Террористик ҳаракатларни тергов қилиш ва олдини олиш бўйича ташкил этилган ҳуқуқат комиссияси республика аҳолисини ҳушёрлик ва огоҳликка, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмак беришга чақиради.

## ТЕРРОРЧИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабул-рав уйида хорижий давлатлар элчихоналари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров 28-29 март кунлари пойтахтимизда ҳамда Бухоро вилоятида содир этилган террористик ҳаракатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари бошланганини маълум қилди.

Дастлабки тергов маълумотлари мазкур террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик ташкилий равишда ва кенг миқёсда олиб борилгандан далолат беради. Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида қўлга олинган кўплаб микдордаги аммиак селитраси, алюмин кукуни ва детонаторлар буни исботлаб турибди.

Бундай жиноятларнинг сабабини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида махсус ҳуқуқат комиссияси ташкил этилганини Бош прокурор таъкидлаб ўтди.

Ташқи ишлар вазири С.Сафоев дунё бўйлаб террорчилик ҳаракатлари содир этиш кўпайганини, жаҳон ҳамжамияти бу маълум балога қарши ҳамкорликдаги курашни янада кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

ЎЗА

## Мамлакатимизда

• Парламентнинг навбатдаги ўн тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

• Расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасига кетаётган Афғонистон муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзай Термизда тўхтаб ўтди. Сурхондарё вилоят ҳокими Т.Қодиров билан учрашув чоғида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик, Афғонистон иқтисодийнинг тиклашда Афғонистоннинг кўрсатаётган ёрдами каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш марказида Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда «Япония чой маросими борлиқнинг универсал модели сифатида» мавзусидаги маданий тадбир бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти илмий янгилар асосида 500 тонна капсулаланган уруғлик экиш мавсумига тайёрлаб кўйилди.

• Самарқанд шаҳрининг собиқ туманларидаги йўллардан фойдаланиш бўлимлари бирлаштирилиб, Самарқанд шаҳар ободонлаштириш департаменти ташкил этилди. Янги департамент кўкаламзорлаштириш, шаҳарнинг санитар ҳолати ва йўллар раволиғини назорат қилади.

• «Галлабанк» акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилиши ўтказилди.

• Самарқанд автомобиль йўллари коллежида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 668 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

## Жаҳонда

• Яқин вақт ичида Афғонистондаги Америка ҳарбийлари сони яна 2 минг кишига кўпаяди. АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельднинг таъкидлашича, Америка шундай йўл билан «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотига қарши курашни кучайтирмақда.

• Тожикистоннинг маҳсус хизматлари томонидан 10 миллион доллар қийматлик йирик туркумдаги героин гиёвандлик моддаси йўқ қилинди.

• Ирландияда кечадан бошлаб барча ёпик бино ва хоналарда чекишни таъқиқлаш тўғрисидаги қонун кучга кирди.

• Уйдан бевосита Интернет тизимига уланган америкаликларнинг сони 204 миллион кишидан ошиб кетди.



Кунни кеча Юнусобод туман мудофаа ишлари бўлимининг армия сафига қақирилувчи йигитларни тиббий кўрикдан ўтказиш хоналари, қақирув пункти тўла таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиш маросими бўлиб ўтди. Энг намунали мудофаа ишлари бўлими қаторига кирган ушбу бўлимда амалга оширилган ишлар билан танишиш мақсадида шаҳар, туман ҳокимлиги, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюриб, тиббий кўрикдан ўтказиш хоналарининг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлангани, бугунги кун талабига жавоб берадиган даражада таъмирдан чиқарилганлигини кўрдилар.

Бу ерда 8 та йўналиш бўйича иш олиб борадиган шифокорлар учун алоҳида хоналар ажратилган, қақирилувчилар учун ҳар томонлама шарт-шароит яратилган.

— 1 апрелдан бошлаб Ватан хизматидаги овланган йигитларимизни ҳар томонлама қулай бўлган қақирув пунктимизда кутиб оламиз, — дейди Юнусобод туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Рафқ Қодиров. — Малакали шифокорлар уларни тиббий кўрикдан ўтказса, қақирув комиссияси аъзолари оилавий шароитлари, жисмоний тайёргарлиги ва ақлий салоҳиятини синчиклаб ўрганиб чиқадилар. Бу борада

ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари бизга яқиндан ёрдам берадилар.

Тадбирга таклиф этилган фахрийлар ўзларининг дил сўзларини айтиб, она-Ватан посбони бўлишдек шарафли касб эгаларининг ишларида омад ёр бўлиши, Мустақил юртимиз, мусофифо осмонимиз ҳамisha тинч бўлишига тилак билдирдилар.

Шоҳида МАҲМУДОВА  
СУРАТДА: Юнусобод туман мудофаа ишлари бўлимида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

## Иқтисодиёт

## СИФАТИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Бугунги кунда бозоримизда ўзимизда тайёрланган турли-туман, сифатли қандолат маҳсулотлари харидорларимизга манзур бўлаётгани эътиборидир.

Бу борада тадбиркорлик билан иш юритаётган пойтахтимиздаги «Ёш футболчи» хусусий фирмасининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Корхонада 32 нафар ишчи-хизматчининг баракали меҳнати билан ишлаб чиқарилаётган 20 турдаги карамель, вафли ҳамда

вафли шokolадлар рақобатбардошлиги билан ажралиб туради.

— Германиядан келтирилган замонавий дастоҳлар асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрланиб, талаблар даражасида қадокланаётган маҳсулотларимизнинг барчаси сер-

тификатланган, — дейди корхона директори Насибулла Абдуллаев. — Ўтган йилда цехларимизни янги ускуналар билан жиҳозлаганимиз самара бериб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бир неча баробарга ортди. 400 тоннадан зиёд сифатли маҳсулот тайёрлаб, савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб бердик. Жорий йилда ҳам буюртмаларни эътиборга олиб яна бир замонавий қадоклаш дастоҳини келтиришни режаллаб турибмиз.

## Хунармандчилик

Баҳодир Низомқориев — шарқ миниатюраси устаси. Унинг қўлида сайқал топган асарлар нафақат республикамизда, балки АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа хорижий давлатлардаги санъатсеварларнинг шахсий коллекцияларидан муносиб ўрин эгаллаган.

## МИНИАТЮРА УСТАСИ

Бунинг боиси хунарманд-расомнинг тинмай изланиши, тарихни ўрганиш, ажлоллар мероси, миллий қадриятларимиз эъзозига қаратган улкан эътиборидир. У 1981 йилда «Кўшиққа чизмалар» номи биринчи республика танловига ғолибликни қўлга киритган.

У ўз фаолияти давомида ёш бўлишига қарамай, ўғил-қизлардан шоғирлар тайёрлашга ҳамisha эътибор билан ёндошди. Ҳозирда Республика Маданият ишлари вазирлигининг болалар бадий ижодиети марказида «Шарқ миниатюраси» студияси раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шуниси қувон

нарлики, Баҳодир Низомқориев ўз йўналишига эга бўлиб, унинг лак миниатюраси услубида яратилган бетакор санъат асарлари халқро кўргазмаларда ҳам муваффақият қозониб келмоқда.

— Асосий мақсадим Ўзбекистон хунарманд-расомларининг ўзига хос услуби яратилган санъат асарлари, бетакор маҳсулотлари довривини жаҳонга ёйишдир. Бу йўлда кўплаб шоғирлар тайёрлашга бел болаганман. Зеро, мамлакатимизда хунар, санъатга ташна ёшлар жуда кўп, — дейди Баҳодир Низомқориев.

Шарофат БАҲРОМОВА

## ЖЎШҚИН ФАОЛИЯТ

Ўзбекистон Бадий академияси ташкил топганига етти йил бўлди. Ўтган шу қисқа вақт ичида унинг фаолияти янада кенгайиб, томошабинлар олдидаги нуфузи ортди.

Халқро алоқаларни йўлга қўйиш борасида қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Америка, Япония, Россия каби мамлакатларда ўтказилган халқро кўргазмаларда академия тавсия этган картиналар муваффақиятли намойиш қилинди. Грецияда очилган халқро болалар расмлари кўргазмаси республикамизнинг ёш истеъодларига ҳам қувонч бахш этди.

Бу йил ҳам академия томонидан қатор янги кўргазмалар ташкил этилади. Миср Араб Республикасида очилган экспозицияга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда.

ШОҲИМАРДОН  
МАНЗАРАЛАРИ

Республикамизнинг бир гуруҳ мўйқалам усталари яқинда Фаргона водийсининг сўлим Шоҳимардон қишлоғида ижодий сарфари бўлиб қайтдилар.

Ўзбекистон Бадий академияси саъй-ҳаракати билан уюштирилган бу тадбир серманзара гўша тасвирига оид бир неча асарларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

«Шоҳимардон манзаралари» деб номланган мазкур туркум асарлар асосида алоҳида кўргазма тайёрланмоқда. Ушбу қизиқарли экспозиция яқин орада Тошкентда намойиш қилинади.

СОТРА  
ЎЗБЕКISTONDA

Тошкентда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонларининг учрашуви бўлиб ўтди. У Корея республикаси элчихонаси қошидаги савдо ва инвестицияларни ривожлантириш агентлиги (KOTRA) томонидан ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад икки мамлакат кичик ва хусусий бизнес субъектлари ўртасидаги амалий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, инвестиция таклифларини кўриб чиқишдан иборат эди.

Учрашувда халқ истеъмоли моллари ҳамда саноат, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Жанубий Кореянинг 12 та компанияси иштирок этди. Булар қурилиш ва пардозлаш плита ва панеллари ишлаб чиқарувчи Wooseog PMC, полиэтилен ишлаб чиқарувчи линиялари тайёрловчи Myung Machinery Co, трикотаж ва гипюр газламалари ишлаб чиқарувчи Jini Tex, сунъий газламалар тайёрловчи Kyungnam Textile Co LTD ҳамда бошқа компаниялардир.

Ўзбек тадбиркорларида Daebu Sangsin хаво ва гипюр филтёрлари, Seakwang Touch Опенинг автохтиёт қисмлари, Nanofilmнинг автоойна учун пленкалари ва кузатув тизимлари алоҳида қизиқиш уйғотди.

KOTRA вакилларининг маълум қилишича, бу жорий йилда ўтказилган иккинчи учрашувдир. Бундай учрашувлар йилга олти марта ўтказилмоқда. Иштирокчиларнинг фикрича, бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш анча ижобий самара бераётди. Хусусан, кўплаб шартномалар тузилмоқда, тадбирлар ўтказилмоқда.

KOTRA мамлакатимиз бозорида 1996 йилдан бунён фаолият кўрсатмоқда. Ўтган вақт мобайнида Корея республикаси ва Ўзбекистон ўртасида тўқимачилик, электроника ва механика, технология ускуналар етказиб бериш борасида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

А.АРСЛОНОВ,  
«Туркистон-пресс»

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА Сўзлар

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақаларга тадқиқотлар институтиди бўлиб ўтган тадбир «Оила—қадриятлар бешиги» мавзусига бағишланди.

● **ЖАМОАТЧИЛИК** фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси ҳамкорликларида уюштирилган анжуман «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» деб номланди.

● **РЕСПУБЛИКА** жароҳлик илмий марказида «Санитария, гигиена ва клиник бактериология» мавзусида ташкил этилган илмий-амалий анжуманда шифокорлар ҳамда бактериолог олимлар иштирок этишди.

● **АМИР** Темур номидаги халқро жамғарма ташаббуси билан Тошкент Ислому университетиди тарихчи олимлар иштирокида бўлиб ўтган анжуманда Амир Темур фаолияти ва ҳаётини ёшларга пухта ўргатишнинг аҳамияти ҳақида сўз борди.

● **ЗАМОНАВИЙ** санъат марказида Бухоро ва Қашқадарё вилоятларидан ташриф буюрган халқ амалий санъати усталари иштирокида учрашув ташкил этилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги Ёнгин хавфсизлиги Олий техника мактабиди Меҳр ва муруват йили муносабати билан хайрия тадбири уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Ёзувчилар уюшмасида ёш мусавир Шавкат Музаффарнинг графика йўналишида яратган асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

● **ТОШКЕНТ** юридик коллежида билимдон қизлар иштирокида «Балли, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

● **ҲАМЗА** туманидаги 230-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Отам, онам ва мен» деб номланган оилавий спорт мусобақалари уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университетиди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мақсуд илм маскани бошланғич ташкилоти томонидан ташкил этилган «Меҳр ва муруват — демократик жамият пойдевори» мавзусидаги рефератлар танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

● **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

## Маҳбурлар

### Оламнинг баҳори — ҳазрати инсон

**Айни кунларда юртимизда улуг айём, яшариш ва янгилиниш рамзи бўлиши Наврўзи олам тантаналари ҳукмрон. Катта дошқозонларда сумалаклар биқирлаб, гулу-чечаклар ифори оламни тутган. Баҳорий илиқлик, хайру саҳаватдан кўнгиллар кўтарилди, айниқса меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлари ҳамда муруват уйларида бўлиб ўтаётган тадбирлар у ерда тарбияланаётган болажонлар қалбида бир олам таассурот қолдираётгани, шубҳасиз.**

Ана шундай меҳр-муруватга йўрилган тадбирлардан бири Чилонзор туманидаги 22-меҳрибонлик уйда бўлиб ўтди. Шу кун би ерга кириб келган киши жуда катта шоду хуррамликнинг гувоҳи бўлар эди. Меҳрибонлик уйи тарбиячилари, ўқитувчи ва болажонлар томонидан чиройли қилиб безатилган катта залда барча болажонлар томонидан интиқлик билан қутилган Наврўз байрами ўзгача илиқлик билан нишонланди.

Тадбирга ташриф буюрган шаҳар ва туман ҳокимлиги, шаҳар «Оила» маркази, Чилонзор буюм бозори вақиллари, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети домла ва талабалари меҳрибонлик уйига ўқув қуроллари, кийим-кечаклар

каби совға-саломларини топширдилар ва ҳаётда ёлғиз эмасликларини, оғир ва энгил кунларда улар билан бирга, доимо ёрдамга тайёр эканликларини айтиб сўзга чиқдилар ва барча-барчани умрбоқий байрам билан муборакбод этдилар.

— Биз учун бу байрам унутилмас кун бўлиб қолади, — деди ўз миннатдорчилигини изҳор қилар экан меҳрибонлик уйи директори Матлуба Ахунова. — Меҳр ва муруват йили ва Наврўз айёмида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, меҳр ва муруватга болажонларимиз ўзларининг аъло ўқишлари ва яхши хулқлари билан жавоб берадилар. Фурсатдан фойдаланиб меҳри дарё инсон Антонина Хлебущкина номидаги стипенди-

ямизга муносиб деб топилган энг аълочи 5 нафар ўқувчимизга Фахрий ёрлик ва гувоҳномаларни топширмоқчимиз.

Меҳрга, муҳаббатга, ширин сўзга мушток бўлган кўнгиллар осмон қадар юксалди, кўзларда севинч ёшлари қалқиди. Энг эътиборлиси «Оламнинг баҳори — ҳазрати инсон» ва «Наврўз эртақлари» деб номланган бадий-муסיқали театрлаштирилган байрам дастури қатнашчилар томонидан шу қадар маҳорат, жўшқинлик, истеъдод билан ўйналдики, беихтиёр иштирокчилар «наҳотки булар ўзимизнинг болалар бўлса» деб уларни зузоқ вақт олқишлаб турдилар.

Куй-қўшиққа уланди, шўх муסיқа барча-барчани рақсга қорлади. Шу куни шаҳримиздаги 21, 30, 24-меҳрибонлик уйлари, 100, 106, 4-махсус мактаб интернатлари ва 103-ақли заифлар мактаб интернатларида ҳам Наврўз байрами муносабати билан катта хурсандчилик тадбирлари бўлиб ўтди. Сахий ва ҳимматли инсонлар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, корхона, ташкилотлар томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди, совға-саломлар топширилди. Уялайимизки, бундай эзгу юмушлар нафақат байрамларда, балки ҳамиша давом этади.

Шаҳризода МУҲСИМОВА

## Маданий ҳоранқ чиқаришди

**Мана бир неча йилки, Тошкент автомобиль ва йўллар коллежида Наврўз байрамини ўзига хос тарзда нишонлаш яхши аънаъга айланиб қолган.**

Ташланди. Ҳашар Байналмилал кўчасида ҳам давом эттирилди. Бундан ташқари коллежнинг 120 нафар ўқувчиси А.Хлебущкина номидаги 22-меҳрибонлик уйида ҳам хайрия ҳашарини ўтказдилар.

Коллеж раҳбарияти хайрия ҳашарини Наврўз сумалагини тайёрлаш ва уни барча ўқувчи ва ўқитувчилар, ходимларга тарқатиш билан якунлади. Шу кунни ҳамма-

га сумалак тортилди.

Наврўз айёми Алишер Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театри биносида давом эттирилди. Шу куни коллежнинг 800 нафарга яқин ўқувчи ёшлари ва уларнинг устозлари ушбу қошонага тўпналиб, маданий ҳоранқ чиқардилар.

Концерт дастурида иштирок этган Мақсад Юнусова, Малика Маматованинг чиқишлари ўқувчи-ёш-

ларнинг давомли қарсақлари билан бўлиб турди. Театр артистларидан Латифжон Жўрабоев ва Шукур Фафуров ижро этган «Майсаранинг иши» операсидан кўриниш, хушоов хонанда Хотамбек Йўлдошевнинг мумтоз қўшиқлари барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

Концерт дастурининг иккинчи қисмида танилиб қулги устаси Валижон Шамшиев йиғилганларни ўзининг серваз хангомалари билан хушнуд этди. Ўқувчилар концерт дастурининг қатнашчиларини гуллар билан олқишладилар.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**  
Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи маънавий ва маърифат бўлимининг маъсул ходими.

**Ўсиб келаётган ёшларни миллий аънавалар, умуминсоний қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, Истиқлол гоъларига садоқатли қилиб тарбиялаш мақсадида Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази мана учинчи йилдирки миллий ўйинларимиздан ҳисобланган варрақлар байрамини республика миқёсида ўтказиб келмоқда.**

### Танловлар

## Иқтидорли ёшлар беллашди

Баҳорнинг илиқ шамоли жонга ҳузур бағишлаб, қўшнинг заррин нурлари бутун борлиқни яшнатаётган кунларда Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўқувчилар ўртасида республика «Варрақлар байрами — 2004» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Шу куни улуг аллома номидаги боғда болажонларнинг шўх-шодон кўлгулари ҳукм сурди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан 70 нафар иқтидорли, дастлаб мактаб, туман ва шаҳарларда голиб бўлган ўқувчилар қатнашдилар. Шунини айтиб ўтиш ўринлики, республика бўйича ҳозирги кунда 136 та техник ижодиёт марказлари мавжуд бўлиб, 92,053 нафар ўқувчилар марказлар қошиғида тўғаракларга қатнашадилар.


— Мақсадимиз фарзандларимизни ҳар томонлама билимли ҳамда соғлом қилиб воғга етказиш, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишга ҳисса қўшиш, халқимизнинг миллий ўйинларидан

бўлган варрақларнинг турли хилларини яшаш ва учирешга бўлган қизиқишларини мусобақа тарзида ташкил этиб, голибларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат, — дейди биз билан сўхбатда Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази директори ўринбосари Феруза Расуллова. — Танловда нафақат варрақлар, балки асфальтга расм чизиш, арқон тортиш, қолда сакраш, бадий кўргазмалар бўйича ҳам турли мусобақалар ўтказилди. Биргина варрақнинг тўрт хил тури — лайлак, варрақ, ҳажмли, экспериментал турлари бўйича шу соҳага қизиққан, иқтидорли ўқувчилар ўз билимларини синовдан ўтказадилар.

— Шаҳримиздаги олти та туманда ёшларнинг техник ижодиёт марказлари фаолият кўрсатади, — дейди сўхбатга қўшилган Тошкент шаҳар ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори ўринбосари Азиза Шамсиева. — Танловда шу 6 та тумандаги марказлар ўқувчилари ўз қўллари билан ясаган турли унармандлик, зардўзлик буюмлари билан кўргазмада иштирок этмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб мусобақа қатнашчиларини ҳам сўхбатга тортидик.

— Биз Наманган шаҳридан келдик, — дейишди бўйи 1 метр, кенлиги 0,5 метрдан иборат бўлган улкан варрақларни учирешга ҳозирлаётган Мухаммад Жамол, Мухиддин Камол, Анвар Қаюмовлар. — Ўтган йили мусобақада қатнашиб, шаҳарда биринчи, Республикада эса учинчи ўринни кўлга киритган эдик, натижа қилса бу йил яна ҳам юқори



ўринларни кўзлаб турибмиз.

Республика Халқ таълими вазирлиги, Республика «Камолот» ЕИҲ ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти, Республика Мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Республика Патент идораси, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази томонидан қўллаб-қувватланган ушбу танлов қизиқарли таассуротлар, тортишув ва баҳсларга бой тарзда, юқори кўтаринкиликда бутун кун давомида бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати мусобақани кузатиб, баҳолаб борар экан, фақат галабага интилаётган ўқувчилар орасидан голибни аниқлашда бироз қийинчиликка ҳам дуч келдилар.

Нихоят қатнашчиларнинг меҳнатлари муносиб тақдирлангани холда умумий баллар жамланмасига кўра биринчи ўринга Самарқанд, иккинчи ўринга Тошкент, учинчи ўринга Қашқадарё вилоятлари вақиллари кўтарилдилар. Голиблар ва қатнашчилар Фахрий ёрлик ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Тадбир давомида туманлар маданият бўлимлари, бадий жамоалар ижросида янграган куй ва қўшиқлар байрамга янада кўтаринкилик бахш этди.

**Азиза МУҲАМЕДОВА**  
СУРАТЛАРДА: Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган «Варрақлар байрами — 2004» кўрик-танловидан лавҳалар.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.



Маълумки мамлакатимизда 2001 йил Таъсис Курултойи қарори билан униб-ўсиб келаётган ёшларни бирлаштириш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек миллатининг қадим шон-шавкати, обрў-эътиборини кўтаришга қодир бўлган маънан баркамол, жисмонан соғлом, салоҳиятли ва камил инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилган эди. Мана, орадан 2,5 йилдан ортикроқ вақт ўтди. Хўш, камолотчилар қўзланган мақсадларга қай даражада эришмоқдалар? Ёшларнинг том маънодаги етакчисига айлиши йўлида қандай ишларни олиб бормоқдалар? Бизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод туман бўлими Кенгаши раиси Бахтиёр Абидов билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

Диллашув

ЭЗГУ МАҚСАД ЙЎЛИДАГИ ФАОЛИЯТ

— Бахтиёр, сизнингча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шу ўтган вақт ичида ёшларни ўз ординда эргаштира оладиган кучга айлана олдими? Бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Ортбошимиз ташкилотимиз иш бошлаётган илк кунларда бизга катта ишонч билдириб «Харакат ёшларга амалий ёрдам бериши, уларнинг ҳаётдаги тўғри йўлни танлаб олишида таянч ва суянч бўлиши, ёшларнинг бошига синовлар тушганда, дейлик, моддий-маънавий мадада муҳтожлик сезган пайтларида қўллаб-қувватлаши даркор», деб қатор эзгу ниятларни билдирган эдилар. Туман Кенгашимиз фаолиятида биз ана шу ўғитларга амал қилишга интиляимиз. Ҳозирги кунда туманимизда 48 та бошланғич ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, жойларда ўқиб, ишлаб келаётган аъзоларимиз сони эса 23 мингдан ошиб кетди. Ҳаракат тизимларида 1189 нафар ёшлар 20 дан ортқ фаолият йўналишлари бўйича иш олиб бормоқдалар.

Жумладан 2002-2003 йиллар давомида ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, турли муаммоларнинг ечимида кўмаклашиш борасида туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими билан ҳамкорликда 2002 йилда 3 мартаба, 2003 йилда 5 мартаба меҳнат ярмаркалари ўтказилиб 4166 нафар ёшлар ишга жойлаштирилди.

Тижорат банкларидаن ўқув-кредит ва корхоналардан ҳомийлик маблағлари олишда жойлардаги камолотчилар ташаббуси ва тақлифлари билан жами 1130 нафар талабага ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, корхона, ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳрибонлик, ногиронлар уйлари тарбияланувчилари учун 6 миллион 540 минг сўм сарфланиб катта хайрия тadbирлари ўтказилди. 457 нафар истеъодли ёшларга 4 миллион 313 минг 500 сўмлик ташкилий ва молиявий ёрдам кўрсатилди. Турли сабаблар билан талабалар сарфидан четлатилган қўллаб-таъминловчи ёшларга қайта тикланди. Аҳолини ва ёшларнинг спортга жалб қилиш мақсадида тумандаги маҳалла, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳудудларида жами 10 миллион 651 минг сўм сарфланиб 34 та оддий спорт майдончалари курилди.

— Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам

тўхталсангиз.

— Бу борада туман прокуратураси, туман Ички ишлар бўлими, туман халқ таълими бўлими ҳуқуқшунос мутахассислари иштирокида ёшлар ўртасида «Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир», «Ўзбекистон Конституцияси — мустақил тараққиётимизнинг ҳуқуқий кафолатидир» каби кўплаб мавзуларда давра суҳбатлари, маърифий кечалар ўтказилиб келинмоқда. Бир неча йиллардан бери «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловига 350 нафардан ортқ мактаб ўқувчилари иштирок этади. 2003 ўқув йили давомида ўқувчиларни маҳаллий ҳокимият, қонун чиқарувчи органлар фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, Тошкент шаҳар ҳокимлигига экскурсиялар уюштирилди.

— Ёшларни Ватан тарихининг билимдони, маънавий баркамол фарзандлар қилиб тарбиялаш учун уларни халқимизнинг ўтмишини, буюк тарихини ўрганишларига кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир. Шундай эмасми?

— Худди шундай. Ёшларимизнинг тарихни билиш билан бир қаторда уни ҳис этиши, ўзини тарих билан келажакни боғлаб турувчи шахс сифатида кўра олиши жуда муҳим. Биз ҳар йили туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловини ўтказиб келмоқдамиз.

Бундан ташқари ёшларнинг буюк аждодларимиз мероси тўғрисидаги билимларини ошириш мақсадида газал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 562 йиллиги, атоқли адиб Фафур Ғуломнинг 100 йиллиги кенг нишонланди, бу каби тadbирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Доимий равишда Ўзбекистон давлат Тарих музейига саёхатлар уюштирилади.

— Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида туман Кенгаши томонидан қандай ишлар олиб борилаётган?

— Бу менимча энг зарур масалалардан бири, чунки вояга етатган ҳар бир ўғил-қиз ўз юрти, халқини жондан севувчи, ҳақиқий фидойи бўлиши керак. Биз тумандаги ҳарбий қисмлар билан яқин алоқа ўрнатганмиз, аскарларнинг ҳаёти, яшаш шароитлари билан танишиш, уларнинг ҳуқуқий ва маънавий билимларини ошириш мақсадида қатор тadbирлар ўтказиб келмоқдамиз. Ҳарбий қисмларга мунтазам экскурсиялар

ташкил қиламиз.

— «Камолот» тумандаги икtidорли ёшларнинг ички имкониятларини юзага чиқариш борасида ҳам иш олиб борапти, деб айта оласизми?

— Албатта. Аввало ички имкониятларни юзага чиқариш учун кулай муҳит яратиш зарур. Бунинг учун биз туман халқ таълими бўлими билан биргаликда 110-мактабда «Шаҳар ёш физик-математиклар симпозиуми»ни ўтказдик. Анжуман иштирокчилари ишларини танikli профессорлар, фан номзодлари ҳамда республика халқ ўқувчиларидан иборат ҳакамлар баҳолади. Яна шуни айтиш мумкинки, икtidорли, истеъодли талаба ва ўқувчиларимиз ижод намуналарини чоп эттириб, кўргазмаларда, турли танлов ва мусобақаларда чет эл давлатларида, халқаро олимпиада, кўрик-танловларда, «Заковат», «Ўзбекистон Ватаним маним», «Кувноқлар ва зукколар» тadbирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

— Сизнингча, бугунги кунда ёшлар жамиятининг маънавий юксалишида фаол иштирок этишлари мумкинми?

— «Камолот» ЕИХ бугун ёшлар орасида маънавий-маърифий, ижтимоий-ҳуқуқий, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт-соғломлаштириш каби 20 дан ортқ йўналиш бўйича иш олиб бормоқда. Шундан кўри-ниб турибдики ёшлар ўз муаммолари, ўз ташвишлари билан уралашиб қолган эмаслар. Тўғри, ҳозирги пайтда айрим ёшларимиз орасида энгил пул топиш, турли ноқонуний ишларга аралашиб қолиш каби иллатлар ҳам учраб туради. Биз ана шундай иллатларнинг олдини олиш борасида, ёшларга мувофиқ ва муносиб янги иш ўринларини яратиш йўлида изланмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, жорий йилимизнинг «Меҳр ва муруват йили» деб номланганининг ўзиёқ шу юрт фуқароси бўлган ҳар бир инсонга ўз ишини бир кўриб чиқишга, шу юрт, шу миллат келажаги учун жон қуйдириб, меҳри, садоқати, ҳиммати бўлишга чорламоқда. Ишонаманки, бугунги кун ёшлари Мустақиллигимиз тақдири, Ватанимиз тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги йўлида жасорат ва матонат билан хизмат қиладилар. Фақат уларни қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб турсак, умидсоний гоғлар атрофида бирлаштириб ўз ортимиздан эргаштира оласк йўлаган эзгу мақсадларимизга албатта ета-миз.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди


Тadbир бошида ёшларнинг ҳаёни-қўиш, уларнинг ахборот базасини

да содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар, цивилизация ютуқлари, илм-фан тараққиёти борасидаги янгиликлардан хабардорлик даражасини ошириш, телекоммуникация воситаларидан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, уларга керакли маълумотларни тезкорлик билан топа олишлари ва ўрганишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш, ёшларимизнинг нафақат юртимиздаги, балки хорижий мамлакатлардаги тенгдошлари билан ҳам ахборот алмашинувини кенг йўлга

Мақдони

ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР

Куни кеча ёшларимиз ҳаётига қадимий урф-одатлар ва анъаналарни янгиладириш, уларнинг қалбида миллий қадриятларга ҳурмат, меҳр-содоқат ва фахр-ғурур туйғуларини юксалтириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ва унинг ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан умрбоқий Наврўз байрами муносабати билан «Қадрият, урф-одат, анъана ва ёшлар — 2004» байрам тантанаси ташкил этилди. Унда «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар ва туман бўлимлари ходимлари, шаҳар мактаб сардорлари кенгаши аъзолари иштирок этдилар.



бойитиш ва тафаккурини юксалтириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан ташкил этилган «Ёшлар ўқув маркази»нинг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди.

ракли манбаларни топа олиш борасидаги билимларини кенгайтириш мақсадида уларга бу борада сабоқ бериш учун етакчи мутахассислар жалб этилган. Уларнинг моддий таъминоти эса «Камолот» ЕИХ Тошкент

— Ушбу марказ «Камолот сардорлари, фаоллари, камтаъминланган оила фарзандлари ҳамда имконияти чеklangан ёшлар учун бепул иш олиб боради, — дейди биз билан суҳбатда «Камалак» маркази раҳбари Гулнур Казахова. — Бундан ташқари ёшларнинг компьютер, Интернетдан фойдалана олиш, ке-

шаҳар бўлими Кенгаши томонидан амалга оширилади.

Шунингдек, байрам тантанаси давомида миллий либослар, миллий урф-одатлар мавзусида реклама роликлари танлови, туманларда ёшлар ўртасида қадрият, урф-одат мавзуларида олиб борилган ишлар бўйича фотоальбомлар, миллий дастурхонлар намойиши, бадий гуруҳлар чиқишлари бўлиб ўтди. Тadbир давомида эса иштирокчилар томонидан баҳорий таом — сумалак тайёрланди.

Ёшларга хос жўшқинлик, шоду хуррамлик билан бўлиб ўтган ушбу тadbирда куй-қўшиққа уланди, кўнгиллар қувонгга тўлди. Баҳорий хуш кайфият барчани рақсга чорлади.

Беғубор, покиза тилакли ёшлар, пиру бадавлат онахонлар томонидан тайёрланган сумалакнинг хуштаъми эса иштирокчи ва байрам тadbiri меҳмонлари хотирасида узоқ вақт сақлиниб қолиши, шубҳасиз.

Шаҳризода МУҲСИМОВА. СУРАТЛАРДА: «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашида бўлиб ўтган байрам тadbiridan лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.



КАМОЛОТ

Алишержон оиланинг ёлғиз фарзанди бўлгани учун анча эрка ўсди. Фарзанд тарбияси билан шуғулланишга на онанинг ва на отанинг ҳуши бўлмади. Ўғиллари мактабни амаллаб битиргач ўқишга жойлашди. Ўқишни тамомлагач уйлантириб ҳам қўйишди. Оппоқ кўйлақда, оппоқ орзу-умидлар билан янги хонадонга келган келинчақ — Шаҳризода қайдан билсин умр йўлдоши бунчалик тубан кетишини. Бирин-кетин икки фарзандлик бўлишди. Гиёвандлик кўчасига кирган ноқора бил ўғилнинг кунда кўрсатадиган хунарларидан, набираларининг ҳидига тўймай қайнона бу дунёдан қўз юмди. Онанинг Улими ҳам унга қор қилмади. Кечаси билан қайларадир дайдиб юриши тугамади. Ҳеч қаерда ишламайдиган Алишер фарзандларининг бешик тўйи, ўғил тўйида келган саруполари, хотинининг тилла тақинчоқларига гача сотиб юборди. Қора оғу уни бутунлай ўз измига бўйсунди-

Дундаги гана

ЯХШИЛИК ҚОЛСИН ДУНЁДА

Бу дунёда онадек энг юксак ва улуг ном бўлмаса керак. Ким ҳам бундай номга эга бўлишни истамайди, орзу қилмайди дейсиз. Орқамизда қоладиган авлодимизнинг давомчиси фарзандларимиздир. Ох, фарзанд! Сени она дунёга келтириб, боқиб, катта қилди. Ҳаётнинг пасту-баландликларидан етаклаб, авайлаб, асраб ўтказди, мустақил ҳаётга етказди. Фарзанд туғилганда кекса отахон-у онахонларимиз қўлаарини дуога очиб: «Умри билан берсан бўлсин, ризқи бутун бўлсин, улғайганда отам-онам десин! Ақли, ҳуши бўлсин!», дейишлари бежиз эмас. Аммо, фарзанд ноқобил бўлсачи, ёмонга қўшилиб гиёвандлик кўчасига кирсачи? Онага, отага бундан ўзга қалб жароҳати бормикан бу дунёда? Шу ноқобил фарзанд деб бир бутун оила йўқ бўлди-ку?

риб бўлганди. Эндигина йигирма беш баҳорни қаршилаган Шаҳризода икки ўрт орасида қолди. Эрининг муштидан, пул топиб бер, дея қилган дағдағаларидан у ҳам адо бўлди. Ноқобил фарзанд. Онангни,

Ҳар доим Шаҳризодалар эшигининг олдида ўтганимда кўзимга ёш қалқийди. Эшик мунтазам берк, кўчалар супурилмаган. Наҳотки эшикни очиб, қулиб салом берадиган Шаҳризода энди йўқ. Онаси кетидан этагига ёпишиб чиқадиган жажжи кичкинтойлар-чи? Онанинг маънос чехраси қайда қолди. Биргина қайнота қолди ёлғизлик гирдобиди...

Қилимлари учун панжара ортида ўтирган Алишер ўз ҳаёти ҳақида уйлаб кўрармикан? Қариндошлари қўлида қолган икки норасида гўдагини бағрига олармикан, кексайган отасининг пойига тиз чўкиб, қолган умрини қилган гуноҳларини ювиш учун ўтказармикан? Адоқсиз саволлар менга тинчлик бермайди. Инсон бўлиб бу дунёга келдикми, инсон бўлиб яшайлик, ўзимиздан яхши ном қолдириб кетайлик, яхшилар дегим келди...

Хуршида ТУРСУНОВА

атрофида бўлажак ёш ҳуқуқшуносларнинг байрамона кайфиятини талабаларнинг чиқишлари, уйин-кулги кўтариб юборди. Бундай байрамда иштирок этиш бу йилги янги муваффақиятларимиз натижасидир.

Ҳақиқатан ҳам, шундай фаровон кунларда яшамок, ўқимок, Ўзбекистонда амалга ошаётган ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлмоқдан ортқ бахт барчанимиз. Наврўзимиз, янги кунимиз барчага муборак бўлсин.

Фаррух ЖўРАЕВ, Тошкент Давлат юридик институти 1-курс талабаси

2004 — Меҳр ва мурувват йили

БОЛАЛАР МАҲАЛЛАСИДА УЧРАШУВ

«Бунёдкор» ёшлар телеклуби кўплаб хайр-саховатли ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда телеклуб қошидаги «Аср ёшлари» гуруҳи яна бир савобли ишга қўл урди. Лицей ва коллеж талабаларидан иборат бу гуруҳ аъзолари клуб маъмурияти билан ҳамкорликда пойтахтимизда жойлашган меҳрибонлик уйларида ўтказиш учун тренинг дастурларини ишлаб чиқди. Бу лойиҳа бўйича улар ўз фаолиятларини «СОС — болалар маҳалласи»дан бошлади. Бу тadbирдан икки хил мақсад кўзланган эди: биринчидан, «СОС» маҳалласида вояга етатган болаларда етакчилик, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ўйинли тренинглар ўтказиш бўлса, иккинчидан болалар турмуш тарзи билан танишиш ва улар билан дўстона муносабатларни ўрнаттиришдан иборат бўлди.

— Биз бугун мана шу олиши билан диққати-ерга келиб, меҳрибонлик масканида тарбияланаётган меҳрга ташна болаларга оз бўлса ҳам қувонч бахш этган бўлсак жуда хурсандмиз, менимча улар ҳам биз каби фаол, ташкилотчи бўлишга ҳаққидир, — дейди биз билан суҳбатда клуб аъзоси Зулфия Жабборова.

«СОС — болалар маҳалласи» 2000 йилда «СОС Киндердорф Интернейшнл» халқаро ташкилоти ҳомийлигида бунёд этилган. Бу меҳр-саховат маскани ҳудуди 14 та оилавий коттеж, болалар боғчаси, маъмурий бино ҳамда иккита спорт майдони ва бир қанча уйин-гоҳлардан иборат. 14 та оилавий уйнинг ҳар бирида тарбиячи она ва оилага қабул қилинган болалар истиқомат қилишади.

— Шу ерда тарбияланаётган Даша исми қиз ўзининг эркин фикрлай

мулоқотга киришиб кета олишларига ёрдам беради. — Биз «СОС — болалар маҳалласи»да жуда қизиқ тренинглар ўтказдик. — Бу тренинглар боланинг нутқини ривожлантириш, уларда ташкилотчилик қобилиятини уйғотишга ёрдам беради. Болалар орасида қобилиятлари жуда кўп экан. Уларнинг ҳозиржавоблиги бизни ҳайратда қолдирди, — дейди «Бунёдкор» ёшлар телеклуби аъзоси Сардор Ашуров.

Шунингдек, телеклуб аъзолари болалар кўнгилга қувонч ва шодлик олиб кириш мақсадида бадий чиқиш ҳам қилишди. Дастур сўнгида эса тренинг қатнашчиларига «Бунёдкор» совғалари улашилди.

Юлдузхон ИБРАГИМОВА, «Бунёдкор» ёшлар телеклуби ижодий ходими

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ЎРГАНИШ**  
*Домо бўлу...*

• Бир кўр одам Луқмон ҳақимнинг ҳузурига келиб:

— Эй, Луқмон, кўзимни очишингни ўтинаман, — деган эди, Луқмон унга:

— Кўзингни очишим мумкин, лекин ибрат кўзингни очиш қўлимдан келмайди, — деди Кўр:

— Эй, Луқмон, сизнинг шухратингиз фақат пардани очишдан иборат бўлса, сизни ҳақим до-нишманд демай, фақат табиб дейиш лозим экан: — деб, Луқмоннинг ибрат кўзини очган экан.

• Алишер Навоий айтади:

Саодатманд йигит нафсининг ҳақалак отишига йўл қўймайди дард аҳлининг нафаси — қаттиқ кўнгилни юмшатувчи, қуруқ кўзни йиғлатувчи бир ўтдир. Сўз аҳлининг дами манманлик ҳашари-ни совурувчи, ғазаб тупроғини суғурувчи бир ел-дир.

• Мирза Абдулқодир Бедил айтади:

**Ёмон сўзлар билан дилларга заҳмат бермагил Бедил**

На ерда тошнинг жинси бўлса бўлгай шишага душман.

• Абу Али ибн Сино айтади:

— Ақлли одам бир масаланинг ҳар бир томинини ўйлайди, текширмасдан туриб у масала ҳақида қатъий ҳукм қилишга шошмайди. Бир масалани далилсиз, исботсиз равишда рад этиш ёки қабул қилиш нодонликка далолат қилади.

• Жалолдин Румий айтади:

— Муруватли, олижаноб одамнинг қилган ваъдаси ҳақиқий ва ёқимли бўлади. Ноаҳл ёлғончининг ваъдаси эса дилсиз-ёҳлик келтиради. Олижаноб одамнинг ваъдаси шодлик бахш қилиш билан бирга халқ куч-қувватини кучайтиради: ёлғончининг ваъдаси аввал тўла умид берса ҳам кейин кўнгилни совутади, ноумид қилади.

• Шоир Соҳиб айтади:

**Қўлингдан келса, ҳаргиз яхшиликни айлама зоеъ,**

**Табиатли кишилар суҳбати ширин забон истар.**

**Қаноат пеша бўлгил халқ аро иззат талаб бўлсанг,**

**Азиз ўлмас жаҳонда беқанот ошу нон, истар.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*

Маросимда Сока Университети ректори М.Ваказ, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов сўзга чиқдилар.

**Алишер Навоий хайкали Токиода очилди**

**Шу йил 26 март кунини Япониядаги элн нуфузли олий ўқув юртурларидан бири Сока Университетида буюк мутафаккир ва давлат арбоби, халқимизнинг атоқли шоири Алишер Навоий хайкалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**



Қайд этилганидек, А.Навоий давлат арбоби сифатида оддий халқга гамхўрлик қилган, йўллар ва кўприклар тиклаган, мактаб ва мадрасалар қурган.

Ҳақиқатан ҳам Алишер Навоий каби буюк шоирларга замон ва макон туйғуси беғонадир.

**Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ гаமிдин гами.**

Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан юртимизда Меҳр ва муруват йили деб аталган ушбу йилда бу мисралар ўз долзарблигини яна бир бор намойён этаётгандек.

Маросим қатнашчиси, “Япония-Ўзбекистон” дўстлик Ассоциацияси раисининг ўринбосари жаноб Т.Шираки ўз таассуротларини қуйидагича ифодалади:

— Мен бугунги тадбирда иштирок этиш-

дан бениҳоя хурсандман. Албатта ўзбек халқининг жаҳонга машҳур алломалари, шоир ва ёзувчилари жуда кўп. Аммо улар орасида Навоий ўзгача мавқега эга бўлган буюк шахсдир. Мен иккинчи жаҳон урушидан сўнг Тошкент шаҳри марказидаги театр биносини бунёд этишда қатнашганман, у ҳам айнан Навоий номи билан боғлиқ. Уша пайтда ўзбек халқи бизга кўрсатган меҳр-оқибатни ҳеч қачон унутмайман. Шунинг учун ҳам бугунги маросимдан олган таассурот ва ҳаяжонларимни сўз билан ифодалаш қийин.

Навоий хайкалининг очилиш маросими чоғида Сока Университетининг ректори М.Ваказ “Жаҳон” ахборот агентлигига эскюзив интервью бериб жумладан шундай деди:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Сока Университети Фахрий доктори бўлганликлари билан биз ҳам доим фахрли билан тилга оламиз. Айнан ушбу шахснинг эътибори ва яқин қўмақлари билан Навоий хайкали университетимиз ҳудудида ўрнатилганлиги тарихда ўчмас из бўлиб қолади. Япон халқининг буддавий эътиқодида кўра, хайкалга жонли муносабатда бўлилади. Бир сўз билан айтганда, буюк гуманист, тинчлик ва дўстлик куйчиси Алишер Навоий бугун Японияга қадам қўйди.

Хайкал муаллифи Ўзбекистон халқ рассоми Равшан Миртожиев. Унинг ижодиға мансуб Навоий хайкали ўтган йил Москва шаҳрида ҳам ўрнатилган эди.

Ушбу хайкал устунига шоирнинг қуйидаги машҳур мисралари ўзбек, япон ва инглиз тилларида ёзилган.

**Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиг,**  
**Ёр ўлинг бир-бирингизгаким,**  
**эрур ёрлғи иш.**

Ушбу байт Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номли миллий боғдаги ёдгорликдан олинган. Устунга шунингдек, япон тилида “Мазкур хайкал Ўзбекистон ҳукумати томонидан ҳаёда этилган”, дея қайд этилди.

Мазкур хайкални ўрнатишда Сока Университетидаги Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонаси ва Ўзбекистон Бадий академияси яқиндан қўмақлашди.

**ЮНЕСКО Ўзбекистон тажрибасини ўрганмоқда**

*Парижда ЮНЕСКО шафелгида ва Франция Ижтимоий фанлар академияси ҳузурдаги Ислам тадқиқотлари институти, Тошкент ислом университети ва Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ҳузурдаги доимий ваколатхонаси кўмағида “Ўзбекистон ва Францияда динларро багрикенглик” мавзуда халқаро конференция бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат-маслаҳатчиси, Тошкент ислом университети ректори З.Хусниддинов, республика Вазирилари Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш.Миноваров ва конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон хайъатининг бошқа аъзолари хорижлик ҳаммасбларига мамлакатда динларро ва миллатларро муносабатлар соҳасидаги вазият, Ўзбекистоннинг ислом оламидаги мавқеи тўғрисида ахборот бердилар. Анжуманда халқаро террорчилар фаолиятини рағбатлантурувчи ва йўналтурувчи радикал экстремистик маърифатга қарши мафкуравий курашда аънавий, багрикенг исломнинг бугунги кундаги аҳамиятига асосий эътибор қаратилди. Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунларидан дин соҳасида олиб борилаётган мақсадли давлат сиёсати мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашга имкон яратгани қайд этилди.

Франция Ижтимоий фанлар

академияси ҳузурдаги Ислам тадқиқотлари институти директори баҳосига кўра, Ўзбекистондаги барқарорлик, жумладан, маънавий-диний ҳаётдаги тотувлик — мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда беш йил давомида яшаган Франция шарқ тиллари институти профессори К.Пужол тоталитар совет тузумининг буюк йиллар мобайнидаги ҳукмига қарамадан ўзбек халқи миллий ва диний ўзлигини, асл урф-одатларини сақлаб қолганини таъкидлади. Мустақиллик қўлга киритилгач Ўзбекистон мусулмонларининг ақсарияти аънавий исломга зид ва ёт бўлган экстремистик йўналишдаги ғояларни хориждан зўрлаб синдиришга қаратилган уринишларни инкор этгани ўта муҳимдир.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистонга кўп марта ташриф буюрган динларро масалалар бўйича эксперти Г.Шаам муҳокама чоғида “Багрикенглик масалала-

рида Ўзбекистондан ўрناк олиш керак, унинг тажрибасини ўрганиш керак. Бу мамлакатда ҳамма — ёшу қари багрикенг, бу сифатлар болаликдан синдирилади”, деди. Фарзандларида ўзга дин ва миллат вакиллариға хурмат-эҳтиром туйғусини шакллантираётган ўзбек аёлларининг бу борадаги аънавий ўрнига алоҳида эътибор қаратиб, Г.Шаам ўзбек тажрибасини ўрганиш мақсадида ЮНЕСКО қотибиятиға ўз вакилларини Ўзбекистонға мақсадли юбориш имкониятини қўриб чиқишни тақлиф қилди.

“Динлар ва маданиятларро мулоқот” ноҳукумат ташкилотини вакили Р.Хадриг Ўзбекистон вакилларини мамлакат тўғрисида кенг қўлама, жумладан, Интернет орқали объектив ахборот тарқатишнинг ҳужумкор ва олдиндан кўра билиш сиёсатини амалға ошириш бўйича саъй-ҳаракатларни фаолаштиришға чорлади.

ЮНЕСКО бош директори муовини М.Бушенани конференциядаги динлар ва миллатларро вазият тўғрисида биринчи қўлдан олинган ахборотнинг ташкилот эксперти, Франция сиёсий, илмий ва ижтимоий доиралари учун, шу жумладан, бошқа мамлакатларнинг ўзбек тажрибасидан фойдаланишдаги амалий аҳамиятиға эътибор қаратди.

“Жаҳон” АА материаллари асосида тайёрланди.

Конференция ишида ЮНЕСКО, Франция расмий ва илмий доиралари, мамлакатда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ЮНЕСКО бош директори муовини М.Бушенани конференция иштирокчилариға ўзининг табрик сўзларини йўллар экан, Буюк Ипақ йўлидаги дунёға машҳур маданият ва прогрессив ғоялар чорраҳаси бўлиши Ўзбекистонда асрлар оша турли конфессия ва миллатлар вакиллари ёнма-ён яшаб келаётганини таъкидлади.

Динлар ва миллатларро тотувликни таъминлаш бўйича муҳим ва мақсадли ишларни амалға ошираётган бугунги Ўзбекистон бу соҳада илбий мисоллардан биридир.

М.Бушенани динларро мулоқот бўйича ЮНЕСКО дастур ва лойиҳаларини Ўзбекистонда мунтазам равишда рўёбға оширишнинг аҳамияти ва самарадорлиғиға алоҳида тўхталиди. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан ўтказилган “Дунё динлари тинчлик маданияти йўлида” мавзудаги халқаро конференция бунинг яққол далилидир. Шу билан бирга М.Бушенани бу соҳадаги “Ўзбекистоннинг бой тажрибасини” ўрганиш ва уни кенг ёйиш мақсадида чуқур илмий тадқиқотларни ўтказиш заруратини таъкидлади.

*Бу — кизик*

**КЕФИР  
ТАРИХИНИ  
БИЛАСИЗМИ?**

*Кефир, уни тановул  
сламиз-у, аммо ихтиро-  
лиси ким эканлигини  
хамма ҳам билмаса керак.*

Аслида кефирнинг ва-  
тани Осетиядир. Уни осе-  
тияликлар «кайф» деб ата-  
ганлар, демак, у ичгандан  
кейин руҳиятни кўтариш  
хусусиятига эга бўлган.

Ялталиқ шифокор  
В.Дмитриева 1883 йил чу-  
қур таҳлил қилиб: «Кайф  
ичимлик иштаҳа очадиган,  
чанқоқни босадиган,  
кўпгина хасталикларга  
дори» деган хулосага кел-  
ди.

Осетинлар бир сўзли  
халқ эмасми, кайф  
технологиясини ҳеч ким-  
га айтмай, сир сақлаб  
келганлар. 1908 йил  
Бутунроссия врачлар  
жамиятидан сут саноати-  
нинг монополисти  
Н.Бландовга мурожаатно-  
ма қилиб, унда Москва  
шифохоналаридаги бемор-  
лар учун кайф ичимлиги  
тайёрлаб беришни илти-  
мос қилишган. Н.Бландов  
Кисловодскдаги сут, пиш-  
лоқ тайёрловчи пуеклари  
едимларидан бири Ири-  
на Сахаровага кайф тай-  
ёрлаб беришни топширди.

Ирина Сахарова энди-  
гина Рязандаги сут хўжа-  
лиги мактабини битириб  
келган, ёши 20 да эди. Сут  
комбинати заводи мута-  
саддиси Васильев билан  
Осетияга жўнашади. Осе-  
тия князи Бек Мирзани-  
кига тўғри меҳмонга  
совға-салом билан бори-  
шади.

Меҳмонларни Бек Мир-  
за роса меҳмон қилади.  
Кайф ичимлигини ичиб,  
унинг технологияси сири-  
ни сўраб, кайф ачитқиси-  
дан тилла эвазига сўраш-  
ганида, уларга сирини  
айтмади.

Ирина ва Васильев из-  
вошда хаёл огушида кетар  
эдилар, тўсатдан атроф-  
ни полициячилар ўраб  
олиб гўзалликда танҳо,  
қошлари ёй, юзлари тўлин  
ойдек, дилбар кизга бир  
осетин чавандоз қўл узат-  
ди-ю, уни даралар ораси-  
га қушдай учуриб олиб  
келди.

Васильев князь Бек  
Мирзанинг қилмишлари  
учун судга берди.

Қамалишдан кўра сир  
очиш афзаллигини билган  
Князь Бек рози бўлди.  
Ирина ватанига кайф ачи-  
тқиси билан қайтди. Бу  
ерда у сутга 2,5 фоиз ачи-  
тқи солганида кўнгилдаги-  
дек қатиқ ҳосил бўлди. Ана  
шундан сўнг «кайф» сўзига  
«Ирина»даги «ир» қўшилиб  
«кефир» сўзи пайдо бўлди.

*Кўргазмалар*

**Рангтасвирда  
жилоланган бўёқлар**

*Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар  
залида Наврўз байрамига бағишлаб «Ассалом, Наврўз» ном-  
ли расомлар, ҳайкалтарошлар, амалий санъат усталари-  
нинг янги асарлари кўргазмаси очилди.*

Ҳозирги кунда расомларнинг  
йиллик ҳисоботи сифатида  
кўргазма ташкил этиш анъанага  
айланиб бормоқда. Турли давр

ижодкорлар ушбу  
манзарани моҳирона  
тасвирлайдилар.  
Мазкур очилган янги

рангтасвири, ҳай-  
калтарошчилиги, ми-  
ниатюра, меъморчи-  
лик, амалий санъат  
хамда эртак, дoston  
ва урф-одатлар каби  
халқ оғзаки ижодига  
бўлган қизиқишлар  
ушбу кўргазманинг  
мавзуини белгилаб  
берди. Шунингдек,  
кўргазмадаги ранг-  
тасвир асарлари  
ўзига хос афсонавий  
оҳангни тараннум  
этса, халқ оғзаки  
ижоди билан боғлиқ  
рамзлар — уй, арава,  
бешик, тандир,  
идишлар намойиш  
этилаётган асарларнинг  
бетакрор кўринишидир.  
Табиати тасвир-  
лаш — расомларнинг  
севимли мавзуси ҳисобланади.  
Баҳор фасллар орасида  
энг гўзали ва тароватлиси  
бўлгани сабабли,

ижодкорлар ушбу  
манзарани моҳирона  
тасвирлайдилар.  
Мазкур очилган янги  
кўргаз-  
мада ҳам Наврўз на-  
фаси ижодкорлар  
асарларида уфуриб  
турибди.

Кўргазмада таниқ-  
ли расом Алишер  
Мирзаевнинг «Баҳор-  
ий Сўқоқ», «Тоголча  
остидаги учрашув»,  
«Натюрморт», Жав-  
лон Умарбековнинг  
«Оқ кабутар», «Бо-  
зор йўли», «Туш»,  
«Пичоқ сотувчи» син-  
гари, Бобур Исмои-  
ловнинг «Ўғил тўй»,  
«Тугун» ва бошқа  
кўплаб асарлари на-  
мойиш этилмоқда.

А.Маматова суюкли шоиримиз,  
марҳум Муҳаммад Юсуф сиймоси-  
ни яратишга ҳаракат қилган.  
Кўргазмада намойиш этилаётган  
ўзига хос гоёлар билан йўғрил-  
ган барча рангтасвир, графика



асарлари миллий хусусиятларни  
ифодаласа, натюрмортлар теран  
лиризм билан кишига баҳорий  
кайфият бағишлайди. Шунингдек,  
халқ усталарининг сопол, тўқима-  
чилик, заргарлик буюмлари, ёғоч  
ўймакорлиги намуналари, локли  
миниатюра асарлари ҳам кўргаз-  
мадан жой олган.

О.Қозоқовнинг «Нигоҳ», «Ипак  
йўли ривоятлари», «Изтироб» син-  
гари асарлари ҳар бир санъат  
мухлиси диққатини ўзига тарта-  
ди. Н.Холиқовнинг «Аждодлар да-  
вомийлиги», З.Фахриддиновнинг  
«Арғимчоқ», «Баҳор жилваси»,  
Н.Ориповнинг «Меҳр», «Бахт тумо-  
ри» каби асарларида инсон ва та-  
биатнинг мувофиқлиги ўз аксини  
топган.

**Юлдуз УСМОН**  
**СУРАТЛАРДА:** кўргазмадан  
ўрин олган айрим экспонатлар.  
**Владимир Гранкин**  
олган суратлар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА  
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**

**Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар  
бошқармаси ва «Тошкент шаҳар муниципал  
биржа маркази» Сизларни биржа савдоларига  
таклиф этади.**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚҮЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ  
БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚҮЙИЛГАН:**

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-  
уйда жойлашган, «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ ҳуду-  
дида янги қуриладиган турғун савдо дўконларини қуриш  
хуқуқи:

- майдони 9 квадрат метр (3x3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўкони қуриш хуқуқи, бошланғич баҳоси — 2 000 000 сўм;
- майдони 36 квадрат метр (6x6) бўлган қурилиш моллари дўкони қуриш хуқуқи, бошланғич баҳоси — 3 500 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сер-  
гели, 3-уйда жойлашган, «Avtomakon» СЯМ  
ШХЖ (авто эҳтиёт қисмлар бозори) ҳудудида  
жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квад-  
рат метр бўлган дўконлар,  
ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси —  
3000000 сўм.

**Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунинда  
соат 11.00 дан 12 гача ҳамда соат 16.00 дан 17.00 гача.  
«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.  
Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.  
www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz**

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 99-  
умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йили  
Данияр Юлдашев номига берилган АУ № 307393  
рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

SONY-54, кумушсимон стерео 200 у.е, SONY-  
63, кумушсимон стерео 300 у.е, янги телеви-  
зорлари сотилади. Тел: 22-98-05

Тошкент шаҳар ҳокимининг  
ижроия маҳалласи ер муноса-  
батларини ва кўчмас мулк ка-  
дастрини тартибга солиш бош  
бошқармаси томонидан  
«SHAVKAT-NUR» хусусий кор-  
хонасига берилган 1-1/2001  
реестр рақамли Давлат када-  
стри йўқолганлиги сабабли  
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА  
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

газеталари таҳририятли реклама агентларини ишта қарул қилади.  
Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**Спорт**

**ТАЛАБАЛАР БЕЛЛАШДИ**

**Шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда «Универсиада — 2004» дастури бўйича олий ўқув юртлири жамоалари ўртасида иккинчи босқич мусобақаларини ўтказмоқда.**

Жумладан, Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти спорт залда икки кун давомида белбоғли кураш бўйича ўтказилган беллашуларда шаҳримиздаги 21 та олий ўқув юртлири жамоалари таркибидан ўрин олган жами 91 нафар талаба ёшлар иштирок этди.

Шахсий ҳисобда 55 килограммгача вазнда Шерали Алихўжаев (Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти), 60 килограммгача вазнда Акмал Хусниддинов (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти), 66 килограммгача вазнда эса Халим Узоқов (Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти) голиб чиқишди.

73, 81, 90 килограммгача ва ундан ортиқ вазнларда ҳам Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари Илҳом Эгамов, Асил Эгамбердиев, Дилмурод Рўзиев ва Азиз Ўринқўжаевлар голиблар сафини бошқаришди.

Умумжамоа ҳисобда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти белбоғли курашчилари ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасидан жой олишди. Иккинчи ўринни майдон эгалари эгаллашган бўлса, учинчи ўрин Тошкент архитектура-қурилиш институти жамоасига насиб этди.

Голиблар мусобақанинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**ЮКОРИ ЎРИНЛАР — ХАМЮРТЛАРИМИЗДА**

**Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон оқиқ чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.**

Шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг энг кучли эшакчиси — жаҳон чемпиони Антон Ряховга бу гал ҳам тенг келадиганлар топилмади. Жумладан у 200, 500 ва 1000 метрга якка ҳолда байдаркада эшак эшиш бўйича галаба нашидасини сурган бўлса, 2000 метргача эшак эшиш баҳсида кумуш медаль соҳиби бўлди.

Каноэда эшак эшувчилар баҳсида Д.Социйга омад кулиб боқди. У 200, 500 ва 2000 метрга якка тартибда сузишда барча рақибларидан устун келган ҳолда олтин нишонлар шодасини қўлга киритди.

Шуни таъкидлаш керакки, мусобақада Россия ва қозоғистонлик эшакчилар ҳам қатнашган бўлса-да, барча олий ўринлар фақат ҳамюртларимизга насиб этди.

(Ўз мухбиримиз)

Куни кеча шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги 220-мактабда ҳам «Ассалом, Наврўз» деб номланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Байрамона безатилган дастурхон атрофига тўпланган педагог ва ўқувчилар, уларнинг ота-оналари юзидаги кувонч, қалбларидаги ҳаяжондан умрбоқий Наврўз айёмининг қадрли, эъзози, янги куннинг меҳр-оқибат тинимсоли эканлиги, унга меҳр-муҳаббат туйғулари мужассамлигини сезиш мумкин.

Шуниси эътиборлики байрам дастурхонидан ўрин олган баҳор таомлари, кўк чучвараю сомсалар, даргда дармон сумалакни мактаб ўқувчиларининг ўзлари тайёрлашди.

Албатта, байрам куй-қўшиқларсиз бўлмайди. Юқори синф ўқувчиларининг Наврўз, она Ватан

байрами, — дейди мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Мазлума

қадриятларимизни кўрсатиб берувчи турли ўйин ва беллашу, айтишулар орқали эса ўғил-қизларимизнинг аждодларимиз меросига, халқимиз ва она юртимизга муҳаббати янада ортиб боради.

Тадбир якунида эса ўтказилган танловда, ўз иқтидорларини ҳар томонлама намоён этган 8 «А»-синф ўқувчилари голиб топилиб, «Камолот»

бошланғич ташкилотининг байрам совғаларини қўлга киритишди. Нафақат улар тайёрлаган баҳор таомларию дастурхон тузаш санъати, балки ижро этилган дилрабо қўшиқ ва кувноқ рақслар, саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот уйғотди.

Диляноза ФИЁСОВА

**Мағбирлар**

**МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ АКС ЭТДИ**

**Ўлкамизда Наврўз шуқуқи кезаётган айни пайтда пойтахтимиздаги барча гўшаларда, жамоаларда шодиёгани нишонлаш ўзига хос тарзда давом этмоқда.**

ҳақидаги шеър ва қўшиқлари, алла, ёр-ёр айтиш, келин салом, арқон тортиш бўйича ўзаро беллашувлари барчага завқ бағишлаши билан бирга, уларда миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз ўз аксини топди.

— Наврўз — эзгулик, меҳр-оқибат, гўзаллик

Абдуллаева. — Шу боисдан ҳам ҳар йили ушбу шодиёгани жамоамиз аҳли ўзига хос тарзда тайёрлайди. Ўқувчиларнинг миллий байрамимиз ҳақидаги тушунчаларини бойитиш, уларни меҳр-оқибатли қилиб тарбиялаш борасида бундай тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Азалий

**Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Юртимизнинг бундай эътиборга сазовор бўлишида спортнинг ҳам ҳиссаси беқийс. Зотан, Президент Ислам Каримов айтганидек, мамлакатни дунёга танитишда спортнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Вакилларимизнинг спорт оламидаги энг нуфузли мусобақа — Олимпиада ўйинларида муваффақиятли иштирок этаётгани Ватанимизни жаҳонга танитишдек масъулиятли вазифани шараф билан ундаётганидан далолат беради. Ўзбекистон Миллий Олимпиада кўмитаси (МОК) президенти Азиз НОСИРОВ билан ЎЗА мухбири-нинг суҳбати шу хусусда бўлди.**

**ОЛИМПИАДАДАН УМИДИМИЗ КАТТА**

— Янги асрдаги илк ёзги Олимпиада ўйинлари мазкур қадимий мусобақанинг асл ватани — Грециянинг Афина шаҳрида 13-29 август кунлари ўтди. Бу ўйинлар мустақил Ўзбекистон спортчилари учун учинчи бўлади, — деди А.Носиров. — Спортчиларимиз Олимпиададаги иштирокини илк бор мустақил жамоа сифатида 1994 йили Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида XVII қишки ўйинларда бошлаган. Ушанда Лина Черязова фристайлнинг чанги акробатикаси тури бўйича мустақил Ватанимиз учун биринчи олимпиада олтин медалини туҳфа этганини юртдошларимиз фахр билан эслади. Бу ҳамюртларимизнинг халқаро майдонда ташлаган биринчи зафарли одими эди.

Спортчиларимиз ёзги Олимпиада ўйинларида 1996 йилдан буён иштирок этмоқда. Қувонарли томони вакилларимиз ёзги ўйинлардан ҳали медалсиз қайтгани йўқ. 1996 йили АКШнинг Атланта шаҳрида ўтган Олимпиадада ҳамюртларимиздан дзюдо бўйича Армен Багдасаров кумуш ҳамда боксчи Карим Тулаганов бронза медалларини қўлга киритди. Тўрт йилдан сўнг Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлган Олимпиадада эса боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев олтин медалга сазовор бўлди ва ҳаваскорлар боксида барча унвонларни қўлга киритди — Осие, жаҳон ва Олимпиада чемпионига айланди. Чарм қўлқоп усталари Рустам Саидов ва Сергей Михайловга бронза, эркин кураш устаси Артур Таймазовга кумуш медаль насиб қилди.

Илгари, 1952 йилдан 1992 йилгача Олимпиада ўйинларида атиги элликча яқин ўзбекистонлик спортчи қатнашган бўлса, истиқлол йилларида бундай нуфузли мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилганлар сони 165 нафарга етди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамоллигида спорт ва олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш, спортчиларни қўллаб-қувватлаш, эриштила-

тган муваффақиятларни давом эттирадиган ёшларни топиб тарбиялаш каби масалаларнинг амалда тўғри йўлга қўйилгани самарасидир.

— Бу йил спортчиларимиз негиз олимпия лицензиясини қўлга киритиши мумкин, деб ўйлайсиз ва қайси спорт турлари вакилларидан Олимпиада медалларини кутса бўлади?

— Олимпиада ўйинларида жаҳоннинг 15 мингга яқин сараланган энг кучли спортчиси 39 спорт тури бўйича иштирок этади. Ўзбекистонлик спортчилар ўн олтинга спорт тури бўйича етмишга яқин олимпия лицензиясини қўлга киритиши кутилмоқда. Ҳозиргача вакилларимиз ўн иккита спорт тури бўйича ўттиз тўққизта йўлланмага эга бўлди. Олимпия лицензиясини берадиган турнирлар аёвиги оғирга қадар давом этади. Шундан келиб чиқиб, олимпиячиларимизнинг сони янада ошиши аниқ.

Боксчилар, эркин ва юнон-рум курашчилари ҳамда дзюдочиларимиздан олимпия медалларини кўпроқ кутялмиз. Чунки бу спорт турлари бўйича ҳамюртларимиз жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларда доимо муваффақиятли қатнашиб келган. Шунингдек, байдарка ва каноэда эшак эшиш, велоспорт, спорт гимнастикаси бўйича қатнашадиган спортчиларимиздан ҳам умидимиз катта.

Ҳозир спортчиларимиз Афинадаги ўйинларга жиддий тайёргарлик кўрмоқда. Миллий Олимпия кўмитаси, Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда ҳомий ташкилотлар вакилларимизга ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш, мусобақаларда иштирок этиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Яқинда МОК ва «Ўздунробита» қўшма корхонаси ўртасида тузилган ҳамкорлик битимига кўра, мазкур корхона олимпия жамоамизга ҳомийлик қилиб, олимпия ҳаракатининг тараққиёти ва тарғибот-ташвиқо-

тида қўмақлашадиган бўлди.

— Азиз Носирович, яқинда Олимпиада ўйинлари мезбони — Афина шаҳрида бўлиб қайтдингиз. Сафардан қўзда тутилган мақсад нима эди?

— Афинада Миллий Олимпия кўмиталари ассоциациясининг ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган Бош ассамблеяси бўлди. Икки юздан зиёд мамлакатдан келган делегациялар иштирок этган бу анжуманда Миллий Олимпия кўмиталарининг Халқаро Олимпия кўмитаси (ХОК) билан муносабатлари, уларни янада ривожлантириш режалари ва бу борда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Бош ассамблеяда Ўзбекистонда спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берилди.

Грецияда Ўзбекистон делегациясининг ХОК президенти Жак Рогге билан расмий учрашуви бўлди. Ташкилот президенти 1995 йилда Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, мингқада олимпия ҳаракатининг янада ривожланишига туртки бўлган VI Марказий Осие ўйинлари мусобақасига таширф буюришини билдирди. «Кичик Олимпиада» деб таърифланган бу мусобақа келаси йили мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Бош ассамблеяда Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Швейцария каби давлатлар вакиллари билан бўлган учрашуларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида келишиб олдик.

Яқинда Япония Миллий Олимпия кўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланади. Унда ҳар иккала мамлакатда олимпия ҳаракатини янада ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, биргаликда ўқув-машғулот йиғинларини ташкил қилиш, спорт турлари бўйича ўртоқлик учрашувларини ўтказишни йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этиш қўзда тутилган.

Юртимизда қишки спорт турларини ривожлантириш мақсадида швейцарияликлар билан ўрнатилган ҳамкорлик ҳам эътиборга молиқ, деб ўйлайман.

Сафар чоғида мусобақалар ўтказилган спорт мажмуалари, стадионлар, янги қурилган иншоотлар, спортчиларимиз Олимпиада кунлари яшайдиган шарт-шароитлар билан ҳам танишдик.

Грецияликлар бу спорт анжуманига жуда жиддий тайёргарлик кўраётганини тувиқчи бўлди.

**ЎЗА мухбири  
Зоҳир ТОШХУҲАЕВ  
суҳбатлашди.**



**Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар — 133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.  
3252 нускада босилади. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатда олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Наир кўрсаткичи — 563

Нашриг етказиб бериш масаллари бўйича турар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-7405 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер маркасида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.